

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASINING
QARORI



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

«29 » январь 2020 у.

№ 45

Toshkent sh.

**Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги
хузуридаги Сув хўжалиги соҳасидаги лойиҳаларни амалга
ошириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Сув ресурсларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 9 октябрдаги ПҚ-4486-сон қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласди**:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Сув ресурсларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 9 октябрдаги ПҚ-4486-сон қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги хузуридаги Сув хўжалиги соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги (кейинги ўринларда Агентлик деб аталади) ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Куйидагилар Агентлик асосий вазифалари этиб белгилансин:

сув хўжалиги тизимини такомиллаштиришга қаратилган лойиҳаларни, шу жумладан хорижий инвестициялар, халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг кредитлари иштирокидаги инвестиция лойиҳаларини аниқлаш, уларнинг йиллик, қисқа ва узоқ муддатли дастурларини ишлаб чиқишида иштирок этиш;

сув хўжалиги соҳасидаги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг кредитлари, грантлари ва техник кўмаклашиш маблағларини жалб қилишда иштирок этиш;

сув хўжалиги соҳасидаги лойиҳаларни, шу жумладан хорижий инвестициялар, халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг кредитлари иштирокидаги инвестиция лойиҳаларининг манзилли рўйхатлари белгиланган тартибда тасдиқланишини ташкил қилиш ҳамда мелиорация обьектларини таъмирлаш-тиклаш ишлари бўйича манзилли рўйхатларини белгиланган тартибда тасдиқлаш;

сув хўжалиги обьектларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш-тиклаш ишлари бўйича лойиҳаларнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари белгиланган тартибда ишлаб чиқилишини, экспертизадан ўтказилишини ва бош пуррат ташкилотларини тендер савдолари асосида

аниқлашни ҳамда тегишли шартномаларни расмийлаштиришни назорат қилиш;

халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг кредитлари иштирокидаги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича тендер савдолари асосида бош пурдат ташкилотларини белгиланган тартибда аниқлаш ҳамда тегишли шартномалар расмийлаштирилишини ташкил қилиш;

loyiҳalарни амалга ошириш юзасидан тизимли мониторинг юритиш, шунингдек, буюртмачи ва пурдатчи ташкилотлар томонидан шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари талабларига риоя этилишини таъминлаш, лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида юзага келган муаммоларни бартараф этиш чораларини кўриш;

илмий ва илмий-техник фаолиятни қўллаб-куватлаш мақсадида сув хўжалиги обьектларини куриш, реконструкция қилиш бўйича лойиҳа-қидирув ишлари қийматининг ҳисоб-китобига лойиҳа-қидирув ишлари умумий қийматининг 10 фоизигача миқдорда мажбурий тартибда қўшимча маблағлар киритилишини амалиётга жорий этиш;

loyiҳalарни амалга ошириш гуруҳлари ҳамда “Сувқурилишинвест” ДУКлари фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда лойиҳаларни амалга ошириш доирасида юзага келган муаммоларни бартараф қилишга кўмаклашиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги хузуридаги Сув хўжалиги соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

Белгилаб қўйилсинки, Агентлик аппарати фаолияти қуйидаги манбалар ҳисобидан молиялаштирилади:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар;

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги хузуридаги Сув хўжалигини ривожлантириш жамгармаси маблағлари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

халқаро грантлар ва техник қўмаклашиш маблағлари;

қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

4. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги хузуридаги Сув хўжалиги соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлигининг таркибига кирувчи сув хўжалиги обьектларини куриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш-тиклash ишларини амалга оширишда буюртмачи вазифасини бажарувчи “Сувқурилишинвест” давлат унитар корхоналари рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

5. Қуйидагилар “Сувқурилишинвест” давлат унитар корхоналари асосий вазифалари этиб белгилансин:

сув хўжалигини обьектларини куриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш-тиклash ишлари бўйича лойиҳаларни аниқлаш, уларнинг

йиллик, қисқа ва узок муддатли худудий дастурларни ишлаб чиқиша иштирок этиш;

тасдиқланган инвестиция дастурлари ва марказлаштирилган манбаларнинг ажратилган лимитлари асосида сув хўжалиги обьектларини куриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш-тиклаш ишлари бўйича лойиҳаларнинг худудий манзилли рўйхатларини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда тасдиқланишини ташкил қилиш;

сув хўжалиги обьектларини куриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш-тиклаш ишлари бўйича лойиҳаларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини белгиланган тартибда ишлаб чиқишни, экспертизадан ўtkазишни ва бош пудрат ташкилотларини тендер савдолари асосида аниқлашни ташкил қилиш ҳамда тегишли шартномаларни расмийлаштириш;

сув хўжалиги соҳасидаги лойиҳа-қидирав ишларини белгиланган тартибда илмий-техник жиҳатдан кузатишни ташкил қилиш;

loyiҳa eчimlarinинг самарадорлигини ва ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланишини ҳамда архитектура ва шаҳарсозлик ҳужжатлари талабларига риоя этилишини ҳамда пудрат ташкилотлари томонидан шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига амал қилишни назорат қилишни таъминлаш, шунингдек, лойиҳаларнинг бажарилиши юзасидан тизимли мониторинг юритиш;

инвестиция дастури прогнозларини ўз вақтида ижросини, сув хўжалиги обьектларини куриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш-тиклаш бўйича лойиҳаларнинг сифатли бажарилишини ҳамда якунланган ишларни белгиланган тартибда фойдаланишга қабул қилишни таъминлаш.

6. Агентлик ҳузурида Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлигининг сув хўжалиги бўйича инвестиция лойиҳалари негизида алоҳида юридик шахслар сифатида:

ходимларнинг умумий чекланган сони 42 та штат бирлигидан иборат Жаҳон банки лойиҳаларини амалга ошириш гуруҳи;

ходимларнинг умумий чекланган сони 17 та штат бирлигидан иборат Осиё тараққиёт банки лойиҳаларини амалга ошириш гуруҳи;

ходимларнинг умумий чекланган сони 20 та штат бирлигидан иборат Араб мувофиқлаштириш гуруҳи лойиҳаларини амалга ошириш гуруҳи ташкил этилсин.

Халқаро молия институтлари ёки хорижий ҳукумат молия ташкилотлари иштирокида сув хўжалиги тизимини такомиллаштиришга қаратилган лойиҳалар Агентлик ҳузурида янги лойиҳаларни амалга ошириш гуруҳларини ташкил этиш ёки мавжуд лойиҳаларни амалга ошириш гуруҳлари ходимларининг умумий чекланган сонига белгиланган тартибда ўзгартириш киритиш орқали амалга оширилади.

7. Белгилансинки, Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлигининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари юзасидан:

“Жанубий Қорақалпоғистонда сув ресурсларини бошқаришиң яхшилаш” ва “Фарғона водийсида сув ресурсларини бошқариш. 2-фаза” лойиҳалари бўйича – Жаҳон банки лойиҳаларини амалга ошириш гурухи;

“Аму-Бухоро ирригация тизимини тиклаш” ва “Навоий вилоятидаги “Навоий” ва “Учқара” насос станцияларини реконструкция қилиш” лойиҳалари бўйича – Осиё тараққиёт банки лойиҳаларини амалга ошириш гурухи;

“Хоразм вилоятининг Тошсақа тизимида магистрал суғориш каналларини тиклаш”, “Сурхондарё вилоятида сув ресурсларини бошқаришиң яхшилаш (Хазарбог-Оққапчигай каналлар тизимини реконструкция қилиш)” ва “Қарши насос станциялари каскадини капитал-қайта тиклаш. 3-фаза” лойиҳалари бўйича – Араб мувофиқлаштириш гурухи лойиҳаларини амалга ошириш гурухи хуқуқий ворис ҳисобланади.

8. Белгилаб қўйилсинки:

Агентлик ҳузурида ташкил этиладиган лойиҳаларни амалга ошириш гуруҳлари фаолияти халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади;

“Сувқурилишинвест” давлат унитар корхоналари мұхандис-техник ходимлари сони ҳар йили капитал қўйилмалар ҳажмига қараб Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда аниқлаштирилади.

9. Агентлик бир ой муддатда ушбу қарорнинг 6-бандида назарда тутилган лойиҳаларни амалга ошириш гуруҳларининг таъсис ҳужжатлари тасдиқланишини ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилишини таъминласин.

10. Агентлик Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мұхандислари институтига тегишли Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй “А” бинога текин фойдаланиш хуқуқи асосида жойлаштирилсин.

Ушбу қарорнинг 6-бандида назарда тутилган лойиҳаларни амалга ошириш гуруҳлари Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги Ахборот-таҳлил ва ресурс марказига тегишли Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Лабзак кўчаси, 1A-уй, А блоки (2 ва 3-қаватлар) манзилига текин фойдаланиш хуқуқи асосида жойлаштирилсин. Бунда барча коммунал ва жорий тўловлар билан боғлиқ харажатлар лойиҳаларни амалга ошириш гуруҳлари маблағлари ҳисобидан қопланади.

11. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Агентликни унинг буюртмалари бўйича белгиланган тартибда зарур телефон алоқаси, шу жумладан ҳукумат алоқа тизими билан, шунингдек, унинг кенг полосали Интернет тармоғига уланишини таъминласин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринbosари А.Ж. Раматов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқовқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатчиси А.Д. Вахабов, Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазири Ш.Р. Хамраев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “29” январдаги 45-сон қарорига
1-илова

**Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги
хузуридаги Сув хўжалиги соҳасидаги лойиҳаларни амалга
ошириш агентлиги тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги хузуридаги Сув хўжалиги соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлигининг (кейинги ўринларда Агентлик деб аталади) мақоми, асосий вазифалари, функциялари, хуқуқлари, жавобгарлигини, фаолиятини ташкил этиш ва ҳисобот бериш тартибини, шунингдек унинг раҳбарларининг функционал вазифалари ва масъулиятини белгилайди.

Агентлик сув хўжалиги тизимини такомиллаштиришга қаратилган хорижий инвестициялар, халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари маблағлари ҳамда бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган лойиҳаларни амалга оширилиши, шунингдек, лойиҳаларни амалга ошириш гуруҳлари ва буюртмачи функциясини бажарувчи худудий “Сувқурилишинвест” давлат унитар корхоналари (кейинги ўринларда “Сувқурилишинвест” ДУК деб аталади) фаолиятини мувофиқлаштирувчи ваколатли давлат органи ҳисобланади.

2. Агентлик ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг карорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, лойиҳаларни амалга ошириш ва техник кўмаклашишда халқаро молия ташкилотлари ва донор ташкилотлар билан эришилган инвестициявий халқаро келишув ва шартномаларга, Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг (кейинги ўринларда Вазирлик деб аталади) буйруқлари ва ҳайъат қарорларига, ушбу Низомга, шунингдек, бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатларга амал қиласди.

3. Агентлик юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга, бошқа зарур муҳрлар, штампларга ва бланкаларга, мустақил балансга, ғазначилик шахсий ғазна ҳисобваракларига, шу жумладан, хорижий валютадаги банк ҳисобрақмаларига эга бўлади.

4. Агентлик ҳар бир инвестиция ва грант лойиҳаси бўйича Вазирлик номидан фаолият юритувчи ташкилот ҳисобланади. Агентлик ўз фаолиятида Вазирликка бўйсунади ва ҳисбот беради.

5. Агентликнинг расмий номи:

а) давлат тилида:

тўлиқ номи – Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги хузуридаги Сув хўжалиги соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги, қисқартирилган номи – Сув хўжалиги соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги;

б) рус тилида:

тўлиқ номи – Агентство по реализации проектов в сфере водного хозяйства при Министерстве водного хозяйства Республики Узбекистан, қисқартирилган номи – Агентство по реализации проектов в сфере водного хозяйства;

в) инглиз тилида:

тўлиқ номи – Agency for Implementation of water sector projects under Ministry of Water Resources of the Republic of Uzbekistan, қисқартирилган номи – Agency for Implementation of water sector projects.

6. Агентликнинг юридик манзили (пошлина манзили): 100000, Тошкент шаҳар, Мирзо Улугбек тумани, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй “А” бино.

2-боб. Агентлик тузилмаси

7. Агентлик тизимиға қўйидагилар киради:

марказий аппарат;

“Сувқурилишинвест” давлат унитар корхоналари;

Жаҳон банки лойиҳаларини амалга ошириш груҳи;

Осиё тараққиёт банки лойиҳаларини амалга ошириш груҳи;

Араб мувофиқлаштириш груҳи лойиҳаларини амалга ошириш груҳи;

лоиҳани амалга ошириш бўйича янгидан ташкил қилинадиган бошқа груҳлар.

3-боб. Агентликнинг асосий вазифалари ва функциялари

8. Кўйидагилар Агентликнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

сув хўжалиги тизимини такомиллаштиришга қаратилган лойиҳаларни, шу жумладан хорижий инвестициялар, халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг кредитлари

иштирокидаги инвестиция лойиҳаларини аниқлаш, уларнинг йиллик, қисқа ва узоқ муддатли дастурларини ишлаб чиқишида иштирок этиш;

сув хўжалиги соҳасидаги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг кредитлари, грантлари ва техник қўмаклашиш маблағларини жалб қилишида иштирок этиш;

сув хўжалиги соҳасидаги лойиҳаларни, шу жумладан хорижий инвестициялар, халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг кредитлари иштирокидаги инвестиция лойиҳаларининг манзилли рўйхатларини белгиланган тартибда тасдиқланишини ташкил қилиш ҳамда мелиорация объектларини таъмирлаш-тиклаш ишлари бўйича манзилли рўйхатларини белгиланган тартибда тасдиқлаш;

сув хўжалиги объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш-тиклаш ишлари бўйича лойиҳаларнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари белгиланган тартибда ишлаб чиқилишини, экспертизадан ўтказилишини ва бош пудрат ташкилотларини тендер савдолари асосида аниқлашни ҳамда тегишли шартномаларни расмийлаштиришни назорат қилиш;

халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг кредитлари иштирокидаги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича тендер савдолари асосида бош пудрат ташкилотларини белгиланган тартибда аниқлаш ҳамда тегишли шартномалар расмийлаштирилишини ташкил қилиш;

войиҳаларни амалга ошириш юзасидан тизимли мониторинг юритиш, шунингдек, буюртмачи ва пудрат ташкилотлари томонидан шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари талабларига риоя этилишини таъминлаш, лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида юзага келган муаммоларни бартараф этиш чораларини кўриш;

илмий ва илмий-техник фаолиятни қўллаб-куватлаш мақсадида сув хўжалиги объектларини қуриш, реконструкция қилиш бўйича лойиҳа-қидирав ишлари қийматининг ҳисоб-китобига лойиҳа-қидирав ишлари умумий қийматининг 10 фоизигача миқдорда мажбурий тартибда қўшимча маблағлар киритилишини амалиётга жорий этиш;

войиҳаларни амалга ошириш гурухлари ҳамда “Сувқурилишинвест” ДУКлари фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда лойиҳаларни амалга ошириш доирасида юзага келган муаммоларни бартараф қилишга қўмаклашиш.

9. Агентлик ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ куйидаги функцияларни бажаради:

а) сув хўжалиги тизимини тақомиллаштиришига қаратилган лойиҳаларни, шу жумладан хорижий инвестициялар, халқаро молия

институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг кредитлари иштирокидаги инвестиция лойиҳаларини аниқлаш, уларнинг йиллик, қисқа ва узок муддатли дастурларини ишлаб чиқишида иштирок этиши соҳасида:

Вазирлик ва унинг тизимдаги сув хўжалиги ташкилотлари билан биргалиқда жойларда сув хўжалиги объектларининг техник ҳолатини, сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини ўрганишда иштирок этиш;

сув хўжалиги соҳасидаги муаммоларни таҳлил қилиш ва уларнинг ечимлари бўйича таклифлар тайёrlашда иштирок этиш;

сув хўжалиги тизимини такомиллаштиришга қаратилган лойиҳаларни, шу жумладан хорижий инвестициялар, халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг кредитлари иштирокидаги инвестиция лойиҳаларининг тақдимотларида ҳамда уларнинг йиллик, қисқа ва узок муддатли дастурларини ишлаб чиқишида иштирок этиш;

б) сув хўжалиги соҳасидаги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг кредитлари, грантлари ва техник кўмаклашиш маблағларини жалб қилиш юзасидан ўтказиладиган тадбирларда иштирок этиши:

Вазирлик ва бошқа манбаатдор вазирлик ва идоралар билан биргалиқда сув хўжалиги соҳасидаги инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг кредитлари, грантлари ва техник кўмаклашиш маблағларини жалб қилиш юзасидан ўтказиладиган тадбирларда иштирок этиш;

инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг кредитлари, грантлари ва техник кўмаклашиш маблағларини жалб қилиш юзасидан таклифларни таҳлил қилиш ҳамда Вазирликка хulosा тақдим қилиш;

в) сув хўжалиги соҳасидаги лойиҳаларни, шу жумладан хорижий инвестициялар, халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг кредитлари иштирокидаги инвестиция лойиҳаларининг манзилли рўйхатлари белгиланган тартибда тасдиқланишини ташкил қилиш ҳамда мелиорация объектларини таъмирлаш-тиклаш ишлари бўйича манзилли рўйхатларини белгиланган тартибда тасдиқлаш соҳасида:

буортмачиларнинг сув хўжалиги объектларини қуриш ва реконструкция қилиш, шунингдек, хорижий инвестициялар, халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг кредитлари иштирокидаги инвестиция лойиҳаларининг манзилли рўйхатларини кўриб чиқиш ва келишиш ҳамда белгиланган тартибда тасдиқлаш учун Вазирликка тақдим қилиш;

ушбу манзилли рўйхатларни манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишишда иштирок этиш;

мелиорация объектларини таъмирлаш ва тиклаш лойиҳаларининг манзилли рўйхатларини белгиланган тартибда Вазирлик, шунингдек, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишиш ҳамда тасдиқлаш;

г) сув хўжалиги объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш-тиклаш ишлари бўйича лойиҳаларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларни белгиланган тартибда ишлаб чиқилишини, экспертизадан ўтказилишини ва бош пудрат ташкилотларини тендер савдолари асосида аниқлашни ҳамда тегишли шартномаларни расмийлаштиришини назорат қилиши бўйича:

сув хўжалиги объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш-тиклаш ишлари бўйича тегишли лойиҳа-смета ҳужжатларининг ишлаб чиқилиши юзасидан бош лойиҳа ташкилотларини аниқлаш, улар билан шартномалар ўз вақтида расмийлаштиришини назорат қилиш;

лойиҳа-смета ҳужжатларининг ўз вақтида ишлаб чиқилиши ва белгиланган тартибда экспертизадан ўтказилиши юзасидан тизимли мониторинг олиб бориш;

сув хўжалиги объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш-тиклаш ишлари бўйича лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан тендер савдоларининг ўз вақтида белгиланган тартибда ўтказилиши ҳамда тегишли шартномалар расмийлаштиришини ва молиялаштириш очилишини назорат қилиш;

д) ҳалқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг кредитлари иштирокидаги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича тендер савдолари асосида бош пудрат ташкилотларини белгиланган тартибда аниқлаш ҳамда тегишли шартномалар расмийлаштиришини ташкил қилиши соҳасида:

ҳалқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг кредитлари иштирокидаги инвестиция лойиҳаларининг бош пудратчиларини аниқлаш юзасидан ишлаб чиқилган тендер ҳужжатлари лойиҳаларининг сифатли ишлаб чиқилишини ҳамда тендер комиссиясида кўриб чиқилишини ташкил қилиш;

тендер комиссияси йиғилишларининг ҳужжатларини расмийлаштиришга кўмаклашиш ва белгиланган тартибда ҳалқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари билан келишишни ташкил қилиш;

бош пудрат ташкилотларининг белгиланган тартибда аниқланиши ва тегишли шартномалар расмийлаштиришини ташкил қилиш ҳамда

уларнинг рўйхатдан ўтказилишини ва молиялаштириш очилишини назорат қилиш;

е) лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан тизимли мониторинг юритиши, шунингдек, буюртмачи ва пудрат ташкилотлари томонидан шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари талабларига риоя этилишини таъминлаш, лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида юзага келган муаммоларни бартараф этиши чораларини кўриш соҳасида:

сув хўжалиги соҳасидаги лойиҳаларни, шу жумладан хорижий инвестициялар, халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари кредитлари иштирокидаги инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда курилиш-монтаж ишларининг сифатли бажарилиши учун тегишли давлат архитектура-курилиш ҳамда муаллифлик назоратини олиб бориш бўйича тегишли шартномалар расмийлаштирилиши ва бажарилиши юзасидан мониторинг юритиш;

давлат архитектура-курилиш ҳамда муаллифлик назорати олиб борилишида аниқланган камчиликларни буюртмачилар ва бош пудрат ташкилотлари томонидан ўз вақтида бартараф этилиши юзасидан назорат олиб бориш;

инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш доирасида пудрат ташкилотларига хориждан замонавий техника ва малакали мутахассисларни жалб қилишда юзага келадиган муаммоларни бартараф этишга белгиланган тартибда кўмаклашиш;

войиҳалар доирасида амалга оширилган ишлар ва барча кўрсаткичлар бўйича хисботларни Вазирликка ва бошқа манфаатдор вазирлик ва идораларга, шунингдек, халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларига белгиланган тартибда тақдим этиб бориш;

ж) илмий ва илмий-техник фаолиятни қўллаб-қувватлаш мақсадида сув хўжалиги обьектларини қуриш, реконструкция қилиш бўйича лойиҳа-қидирув ишлари қийматининг ҳисоб-китобига лойиҳа-қидирув ишлари умумий қийматининг 10 фоизигача миқдорда мажбурий тартибда кўшимча маблаглар киритилишини амалиётга жорий этиши соҳасида:

сув хўжалиги обьектларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича лойиҳа-қидирув ишлари қийматининг ҳисоб-китобига лойиҳа-қидирув ишлари умумий қийматининг 10 фоизигача миқдорда мажбурий тартибда кўшимча маблаглар ажратиш ҳамда лойиҳа-қидирув ишларини илмий-техник жиҳатдан кузатишни ташкил қилиш юзасидан таклифларни белгиланган тартибда кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун Вазирликка тақдим қилиш;

сув хўжалиги соҳасидаги лойиҳа-қидирув ишларини илмий-техник жиҳатдан кузатиш бўйича шартномаларни расмийлаштириш,

молиялаштириш ва ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланилиши юзасидан назорат олиб бориш;

лойиҳа-кидирув ишлари бўйича берилган таклиф ва хulosаларни кўриб чиқиш ҳамда уларнинг бош пудрат ташкилотлари томонидан кўриб чиқилишини назоратга олиш;

3) лойиҳаларни амалга ошириш гуруҳлари ҳамда “Сувқурилишинвест” ДУКлари фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда лойиҳаларни амалга ошириш доирасида юзага келган муаммоларни баратараф қилишга кўмаклашиш соҳасида:

лойиҳаларни амалга ошириш гуруҳлари ҳамда “Сувқурилишинвест” ДУКлари ҳисоботлари, шунингдек, таклифлари ва мурожаатларини таҳлил килиб бориш;

буортмачи ва пудрат ташкилотларининг амалдаги норматив-хукуқий ҳужжатлар талабларига риоя этиши бўйича ўкув курслари ва семинарлар ташкил қилиш;

лойиҳаларни амалга ошириш гуруҳлари ва “Сувқурилишинвест” ДУКларини малакали кадрлар билан тўлдириш ҳамда уларнинг малакасини ошириб боришни ташкил қилиш.

4-боб. Агентликнинг хуқуқлари ва жавобгарлиги

10. Агентлик ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун куйидаги хуқуқларга эга:

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўз номидан мулкий хукуқни олиш, мол-мулкка эгалик қилиш мажбуриятларини олиш ва судда даъвогар бўлиш;

сув хўжалиги қурилишига оид масалалар бўйича норматив-хукуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқишида қатнашиш, шунингдек, улар ҳақида ўз хulosаларини бериш;

ўз ваколатига кирадиган масалалар бўйича маълумот ва материалларни давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, республика ташкилотларидан белгиланган тартибда сўраб олиш;

тегишли дастурлар ва Концепциялар доирасида амалга ошириладиган сув хўжалиги қурилиши лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида Вазирлик режаларини ишлаб чиқиш бўйича ўз таклифларини киритиш;

сув хўжалиги қурилиши соҳасидаги давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг, нодавлат нотижорат ташкилотлар, етакчи лойиҳа институтлари, илмий-таълим муассасалари, халқаро ва хорижий ташкилотларнинг юқори малакали ходимларини ҳамда мутахассисларини шартнома асосида жалб этиш;

лойиҳаларни амалга ошириш гурӯҳлари ва “Сувқурилишинвест” ДУКлари томонидан амалга оширилаётган қурилиш лойиҳаларини бажаришда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли чоралар кўриш ва масъулларга нисбатан қонунчиликда белгиланган тартибда жазо чораларини қўллаш.

Агентлик қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқукларга ҳам эга бўлиши мумкин.

11. Агентлик ўз мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли бўлган мол-мулк билан жавоб беради.

5-боб. Агентлик раҳбарларининг асосий функционал вазифалари

12. Қўйидагилар Агентлик директорининг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

сув хўжалиги соҳасидаги лойиҳаларни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя этиш;

Агентлик фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Вазирликнинг буйруқлари, ҳайъат қарорлари ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари билан Агентликка юклangan вазифалар ва функцияларнинг бажарилишини ташкил этиш;

Агентлик фаолияти билан боғлиқ прогноз кўрсаткичларга эришишни сўзсиз таъминлаш бўйича амалий чораларни ишлаб чиқиш ва ижросини назорат қилиш;

ўз ўринбосарлари ва Агентликнинг бошқа мансабдор шахслари ваколатларини белгилаш, улар ўртасида вазифаларни тақсимлаш, Агентлик фаолиятининг алоҳида йўналишларига раҳбарлик қилиш учун ўз ўринбосарлари ва бошқа мансабдор шахсларнинг шахсий масъулияти даражасини белгилаш;

Агентлик фаолиятини режалаштиришни ташкил этиш, сув хўжалиги қурилиши соҳасидаги иш ҳажмларидан келиб чиқиб, Агентлик ва ўз ўринбосарларининг ҳар чораклик иш режаларини тасдиқлаш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириклари ҳамда Вазирликнинг буйруқлари ва ҳайъат қарорлари ижросини ташкил этиш ва мониторинг олиб боришининг амалий тизимини яратиш, шунингдек, Агентлик фаолиятида ижро интизомини мустахкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

Агентлик ходимларини, лойиҳаларни амалга ошириш гурухлари ҳамда “Сувқурилишинвест” ДУКлари раҳбарларини тизимли равишда қайта тайёрлашни ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш;

Агентликда кадрларни танлаш ва уларни жой-жойига қўйиш, уларнинг самарали фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратиш, Агентликнинг кадрлар захирасини шакллантириш;

Агентлик ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 мартағи 62-сон қарори билан тасдиқланган Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидалари асосида тасдиқланган Агентлик ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя этилишини таъминлаш;

“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Конуни талабларига мувофиқ Агентлик тизимида коррупция ва бошқа ҳукуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, ҳукукни кўллаш амалиётини ва қонун хужжатларини такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали уларнинг содир этилишига кўмаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш, бартараф этиш;

Агентлик ишини самарали ташкил этишнинг замонавий шаклларини ишлаб чиқиш ва амалиётда қўллаш;

“Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конуни талабларига мувофиқ жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишга доир самарали ишларни ташкил этиш, аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очик мuloқotни йўлга қўйиш, белгиланган муддатларда ва тартибда жисмоний шахсларни ва юридик шахслар вакилларини мунтазам равишда шахсан қабул қилиш, шу жумладан, жойларга бориб сайёр қабул ўтказиш;

давлат сири сирасига киритилган маълумотлар ва маҳфий ахборот билан ишлашда қонун хужжатлари талабларига риоя қилиш;

Агентлик бошқарма ва бўлинмалари тўғрисидаги низомни белгиланган тартибда тасдиқлаш;

Агентлик ходимларини (директор ўринбосарларидан ташқари) қонун хужжатларида белгиланган тартибда лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш;

Агентлик фаолияти билан боғлиқ бўлган буйруқлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш, шунингдек, уларнинг ижросини белгиланган тартибда назорат қилиш;

ходимларнинг умумий белгиланган сони доирасида Агентлик штатлар жадвалини, шунингдек, Агентлик харажатлар сметасини

белгиланган тартибда тузиш ва тасдиқлаш ҳамда уни рўйхатдан ўтказиш учун Вазирликка тақдим қилиш;

лойиҳаларни амалга ошириш гурухларини сақлаш харажатлари бўйича штатлар жадвали ва харажатлар сметасини белгиланган тартибда тасдиқлаш;

Агентлик номидан ишонч қоғозисиз ҳаракат қилиш, унинг манфаатларини барча идоралар, бошқарув органлари, корхоналар, фирмалар ва ташкilotларда ҳимоя қилиш;

шартномаларни, жумладан ходимлар билан меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш;

ишонч қоғозларини бериш, банкларда ҳисоб ва бошқа рақамларни очиш;

қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга ошириш.

13. Агентлик директорининг ўринbosарлари Агентлик директори тавсиясига кўра Вазирлик томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

Куйидагилар директор ўринbosарларининг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, шунингдек, бошқа норматив-хукуқий хужжатлар талабларига риоя қилиш;

Директор вақтинча бўлмагандан, тегишли буйруқ асосида унинг вазифаларини бажариш;

Агентликнинг мутасаддилик қилинадиган йўналиш бўйича таркибий бошқарма ва бўлинмалари фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш, уларнинг ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлаш;

фаолият йўналиши бўйича таркибий бошқарма ва бўлинмалар томонидан прогноз кўрсаткичларга эришишни сўзсиз таъминлаш чораларини кўриш, бўлинмалар раҳбарларининг ҳисботларини мунтазам эшлишиш ва ушбу кўрсаткичларга эришиш учун уларнинг шахсий жавобгарлигини ошириш;

мутасаддилик қилинадиган йўналиш бўйича таркибий бошқарма ва бўлинмаларнинг иш режаларини тасдиқлаш, уларнинг бажарилишининг назоратини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириклари ижросини ташкил этиш, Агентлик фаолиятида ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни бажариш, шунингдек, ўз вақтида ва сифатли ижро этилиши

юзасидан мутасаддилек қилинадиган таркибий бошқарма ва бўлинмалар раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш чора-тадбирларини кўриш;

Сув хўжалиги вазирлиги ҳайъати, Сув хўжалиги вазири ва Агентлик директорининг буйруқлари ва топшириқлари ўз вақтида ҳамда сифатли бажарилишини таъминлаш;

мутасаддилек қилинадиган таркибий бошқарма ва бўлинмаларда кадрларни танлаш ва жой-жойига кўйиш бўйича Агентлик директорига таклифлар тақдим этиш, уларнинг соҳа йўналишида профессионаллиги, ўз ишини билиши, амалий тажрибага, юксак даражада ишлаш хусусиятларига ва маънавий-аҳлоқий фазилатларга эга эканлиги кафолатини таъминлаш, уларнинг касбий малакасини ошириш чора-тадбирларини кўриш, кадрлар захирасини шакллантириш;

мутасаддилек қилинадиган таркибий бошқарма, бўлинмалар раҳбарлари ва ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш, шу жумладан уларнинг эгаллаб турган лавозимида қолиши мақсадга мувофиқлиги масаласини кўриб чиқиш бўйича таклифларни директорга киритиш, функционал вазифалар ва юклangan вазифалар бажарилиши учун уларнинг шахсий масъулиятини ошириш бўйича тизимли чора-тадбирлар кўриш;

Агентлик ходимлари томонидан одоб-аҳлоқ қоидалари талабларига риоя қилишини, мутасаддилек қилинадиган таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва ходимларининг ушбу қоидаларга риоя этишини таъминлаш;

“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ Агентлик тизимида коррупция ва бошқа хуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, хуқукни қўллаш амалиётини ва қонун хужжатларини тақомиллаштиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали уларнинг содир этилишига кўмаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш, бартараф этиш;

сув хўжалиги курилиши соҳаси фаолиятини тақомиллаштириш, шунингдек, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишга доир таклифларни директорга киритиш;

“Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган муддатларда ва тартибда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича самарали ишларни ташкил этиш, аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очик мулокотни йўлга кўйиш, жисмоний шахсларни ва юридик шахслар вакилларини мунтазам равишда шахсан қабул қилиш, шу жумладан жойларга бориб қабул қилиш;

давлат сири сирасига киритилган маълумотлар ва махфий ахборот билан ишлашда қонун хужжатлари талабларига риоя қилиш;

жумладан соҳа йўналишлари бўйича:

а) Агентлик директорининг чет эл инвестициялари ва грантлар масалалари бўйича ўринбосарининг асосий вазифалари:

лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан хорижий инвестициялар, халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари билан музокараларда иштирок этиш;

инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилишини тизимли назорат қилиш;

инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда иштирок этаётган пудратчи ва консалтинг компанияларининг фаолиятини назорат қилиш;

халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари талабларидан келиб чиқкан ҳолда, лойиҳани амалга оширишда иштирок этувчи мутахассисларни вазирлик билан келишган ҳолда ишга қабул қилиш бўйича Агентлик директорига таклиф киритиш.

б) Агентлик директорининг марказлаштирилган инвестициялар масалалари бўйича ўринбосарининг асосий вазифалари:

ирригация ва мелиорация тадбирлари лойиҳаларини амалга ошириш соҳасида самарали инвестиция сиёсатини амалга ошириш ҳамда тармоқни ишлаб чиқариш жиҳатдан ва ижтимоий ривожлантириш учун мақбул равища уйғулаштиришни таъминлаш;

ирригацияни ривожлантириш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича ирригация ва мелиорация объектларини қуриш, реконструкция қилиш, мелиорация объектларини таъмирлаш-тиклаш ишлари бўйича йиллик, қисқа ва узок мuddатли дастурларни ишлаб чиқиша иштирок этиш;

“Давлат харидлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Конуни талабларига қатъий риоя қилган ҳолда, капитал қурилишда бошқарув ва хўжалик муносабатлари тизимиға бозор тамойиллари ҳамда механизмларини жорий этиш, лойиҳа ва қурилиш ишларини бажаришга “Сувқурилишинвест” ДУКлари томонидан буюртмалар жойлаштириш, танлов ва тендер савдоларини ташкил этиш;

марказлаштирилган манбалар хисобидан қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш-тиклаш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича лойиҳаларнинг белгиланган тартибда, танлов ва тендер савдолари асосида шартнома тузиш орқали тўлиқ бажариш шарти билан амалга оширилишини ташкил этиш;

инвестиция дастурлари доирасида амалга ошириладиган ирригация ва мелиорация тадбирлари лойиҳалари бўйича буюртмачи “Сувқурилишинвест” ДУКлари билан биргаликда тизимли равища мониторинг олиб бориш, амалга оширилаётган ишлар ва муаммоли

масалалар бўйича таклифларни Вазирлик ҳамда идораларга тақдим этиб бориш;

сув хўжалиги обьектларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш-тиклаш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ лойиҳа-қидирув ва илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш;

ажратилган лимитлар асосида буюртмачилар тақдим қилган манзилли рўйхатларни, қурилишларнинг титул рўйхатларини кўриб чиқиш, тасдиқлаш учун Вазирликка киритиш ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар билан келишишда иштирок этиш;

буюртмачи ташкилотларнинг лойиҳа-қидирув ишлари манзилли рўйхатларини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун Вазирликка киритиш ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар билан белгиланган тартибда келишишда иштирок этиш;

ирригация ва мелиорация обьектларини қуриш, реконструкция қилиш ҳамда капитал қурилишда илғор қурилиш технологияларини, янги қурилиш материалларини, асбоб-анжомларни жорий этиш ишларини ташкил этиш.

Агентлик директорининг ўринбосарлари Вазирлик ва Агентлик директори томонидан берилган бошқа вазифаларни ҳам бажаради.

14. Қуйидагилар Агентлик таркибий бўлинмалари раҳбарларининг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари талабларига, шунингдек, бошқа норматив-хукукий хужжатларга риоя этиш;

таркибий бўлинмалар фаолиятига бевосита раҳбарлик қилиш, ушбу бўлинмаларга юкланган вазифалар ва функциялар бажарилишини ташкил этиш;

прогноз кўрсаткичларнинг бажарилишини мунтазам таҳлил қилиш ҳамда ушбу кўрсаткичларга сўзсиз эришишини таъминлашга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар кўриш бўйича таклифларни Агентлик раҳбариятига киритиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириклари, Вазирликнинг буйруқлари, ҳайъат қарорлари ижросини ташкил этиш, Агентлик таркибий бўлинмалари ходимларининг ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чора-тадбирларнинг ўз вақтида бажарилишини ва сифатли ижро этилишини таъминлаш;

Вазирлик ҳайъати қарорлари, Сув хўжалиги вазири ҳамда Агентлик директори ва унинг ўринбосарлари буйруқ ва топширикларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

таркибий бўлинмаларнинг ҳар чораклик иш режалари ишлаб чиқилишини таъминлаш, тасдиқлаш учун Агентлик раҳбариятига киритиш ҳамда уларда кўрсатилган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

таркибий бўлинмаларда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда директорнинг тегишли ўринбосарларига таклифлар тақдим этиш, професионаллиги, ўз ишини билиши, амалий тажрибага, юксак даражада ишлаш хусусиятларига ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга эканлиги кафолатини таъминлаш, уларнинг касб малакасини ошириш чораларини кўриш, таркибий бўлинмаларда кадрлар захирасини шакллантириш;

таркибий бўлинмалар ходимларининг ушбу қоидаларга риоя этишини таъминлаш;

“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конуни талабларига мувофиқ таркибий бўлинмаларда коррупция ва бошқа ҳукуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, ҳуқукни қўллаш амалиётини ва қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали уларнинг содир этилишига олиб келувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш, бартараф этиш;

давлат сири сирасига киритилган маълумотлар ва махфий ахборот билан ишлашда қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиш.

6-боб. Агентлик раҳбарларининг жавобгарлиги

15. Агентлик директори ушбу Низомда ва бошқа қонун ҳужжатларида Агентликка юкландган вазифалар ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш, шунингдек, Агентлик ишидаги камчиликларни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар кўрилиши;

Агентликдаги ишларнинг ҳолати, таркибий бўлинмаларнинг фаолияти мувофиқлаштирилиши;

Агентликда ижро интизомига сўзсиз риоя қилиниши учун жавобгар ҳисобланади.

16. Директорнинг ўринбосарлари:

тегишли йўналишлар бўйича топшириқларнинг ўз вақтида бажарилиши ва натижадорлиги;

мутасаддилик қилинадиган йўналишлар бўйича сув хўжалигини ривожлантириш вазифалари ва дастурлари самарали амалга оширилишини таъминлаш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлиги ва натижадорлиги учун жавоб беради.

17. Агентликнинг таркибий бошқарма ва бўлинмалари бошликлари қонун ҳужжатлари, Агентлик раҳбариятининг топшириқлари, шунингдек,

таркибий бўлинма ва Агентликка юкланган вазифалар ва функциялар ўз вактида ва сифатли бажарилишига жавоб берадилар.

7-боб. Агентлик фаолиятини ташкил этиш

18. Агентликка Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирининг тақдимномаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган директор раҳбарлик қиласи.

Агентлик директори мақоми, меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартлари ҳамда ижтимоий ва майний хизмат кўрсатиш даражаси бўйича Вазирликнинг етакчи бошқарма бошлиғи лавозимига тенглаштирилади.

19. Агентликнинг ташкилий тузилмаси, штатлар жадвали ва харажатлар сметаси қонун хужжатларида белгиланган тартибда ишлаб чиқилади ва тасдикланади.

Агентлик ва унинг таркибидаги лойиҳаларни амалга ошириш гурухлари ва “Сувқурилишинвест” ДУКларининг ҳар бири алоҳида юридик шахс ҳисобланади, мустақил балансга, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган муҳр ва бланкаларга эга бўлади.

Лойиҳаларни амалга ошириш гурухларининг раҳбарлари Вазирлик ва манфаатдор вазирлик ҳамда идоралар билан келишилган ҳолда Агентлик томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

“Сувқурилишинвест” ДУКлари директорлари Коракалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi раиси ва вилоятлар ҳокимлари ҳамда Агентликнинг тавсиясига кўра, Вазирлик томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

8-боб. Агентлик фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш мезонлари ва иш индикаторлари

20. Агентлик фаолияти куйидаги мезонлар (индикаторлар) асосида баҳоланади:

ташкilotning иш режасида белгиланган вазифаларнинг ўз вактида ва сифатли бажарилиши ҳолати (Низомда белгиланган ташкilot функцияларини тўлақонли бажариш);

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Президент хузурида ўтказилган йиғилиш баённомаларида кўрсатилган топшириқларнинг ижросини белгиланган муддатларда сифатли таъминлаш ҳолати (карточка, ҳисобот ва бошқалар);

Вазирлик буйруқлари, ҳайъат қарорлари ҳамда бошқа топшириклар бажарилишига бўлган муносабат (ўз вақтида ва сифатли ижро этиш, кўрсатмаларни сўзсиз бажариш ва ҳоказо);

Агентлик учун ажратилган бюджет ҳамда бюджетдан ташқари маблағлардан мақсадли ва тежаб фойдаланиш;

Агентликни малакали мутахассислар билан тўлдириш, кадрлар қўнимизлигини бартараф этиш (ходимлар учун тегишли шарт-шароитлар яратиш, кўп йиллик тажрибага эга соҳа мутахассисларини ишга жалб қилиш);

Агентликнинг моддий-техник базасини кучайтириш, зарур асбоб-ускуналар билан таъминлаш ҳамда мавжуд техникалардан унумли фойдаланиш.

9-боб. Агентлик аппарати фаолиятини молиялаштириш ва моддий-техник таъминлаш, ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш

21. Кўйидагилар Агентлик аппарати фаолиятини молиялаштириш манбалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар;

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги хузуридаги Сув хўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағлари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

халқаро грантлар ва техник кўмаклашиш маблағлари;

қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

22. Агентлик ходимларининг бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан лавозим иш ҳақига ҳар ойлик устама ва қўшимчалар, моддий рағбатлантириш тўловлари ва мукофотлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини тартибга солувчи норматив-хукуқий хужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” 2018 йил 3 июлдаги 500-сон қарорига 3-илова билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва унинг таркибида кирувчи ташкилотлар ходимларини моддий рағбатлантириш тўғрисида Низомга мувофиқ амалга оширилади.

10-боб. Агентликнинг ҳисобдорлиги

23. Агентлик ўз фаолиятида тезкор ва бухгалтерия ҳисботини юритади. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари томонидан белгиланган шакллар ва муддатларда бухгалтерия, статистика ва бошқа ҳисботларни манфаатдор вазирлик ҳамда идораларга тақдим этади.

24. Агентлик фаолияти Вазирлик ва назорат қилувчи органлар томонидан амалдаги қонунчиликка мувофиқ текширилади.

11-боб. Якунловчи қоида

25. Агентлик қонун хужжатларида белгиланган тартибда қайта ташкил этилади ва тугатилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “29” январдаги 45-сон қарорига
2-илова

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги
Сув хўжалиги соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлигининг
таркибига кирувчи сув хўжалиги обьектларини қуриш, реконструкция
қилиш ва таъмирлаш-тиклаш ишларини амалга оширишда буюртмачи
вазифасини бажарувчи “Сувқурилишинвест”
давлат унитар корхоналари
РЎЙХАТИ

T/р	Ташкилот номи	Бошқарув ходимларининг сони*, киши
1.	“Қорақалпоғистонсувқурилишинвест” ДУК	35
2.	“Андижонсувқурилишинвест” ДУК	34
3.	“Бухоросувқурилишинвест” ДУК	35
4.	“Жиззахсувқурилишинвест” ДУК	31
5.	“Қашкадарёсувқурилишинвест” ДУК	34
6.	“Навоийсувқурилишинвест” ДУК	22
7.	“Намангансувқурилишинвест” ДУК	33
8.	“Самарқандсувқурилишинвест” ДУК	31
9.	“Сурхондарёсувқурилишинвест” ДУК	28
10.	“Сирдарёсувқурилишинвест” ДУК	39
11.	“Тошкентсувқурилишинвест” ДУК	30
12.	“Фарғонасувқурилишинвест” ДУК	39
13.	“Питнаксувқурилишинвест” ДУК	12
14.	“Хоразмсувқурилишинвест” ДУК	26
	Жами:	429

*) Бошқарув ходимларининг чекланган сонига Агентлик томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда, ҳар йили капитал қўйилмалар ҳажмига ҳамда обьектлар сонига қараб аниқлик киритиласди.

